

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«13» июнь 2019 у.

№ 494

Toshkent sh.

**Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларида  
технологик аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларида технологик аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Салиев ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи А.А. Фаттахов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “13” июндаги 494-сон карорига  
илова

**Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларида  
технологик аудит ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларида технологик аудит (кейинги ўринларда технологик аудит деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Технологик аудит ўтказиш жараёнида ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларини эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молия-хўжалик фаолиятини ўрганиш назарда тутилмайди.

3. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**инвентаризация паспорти** – технологик аудит объектлари тўғрисида (инвентарь раками, тури, маркаси, серияси, ишга туширилган йили, фойдаланиш мақсади ва бошқалар) ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларини эксплуатация қилувчи ташкилотлар томонидан тасдиқланган хужжат;

**ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объекти** – марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминлаш ва канализация хизматлари кўрсатиш иншоотлари хамда улардаги асбоб-ускуналар ва жиҳозларни қамраб олган йирик (суткасига 5 минг м<sup>3</sup> ва ундан кўп сув ишлаб чиқарувчи ёки оқова сувларни қабул қилувчи) ва кичик (суткасига 5 минг м<sup>3</sup> гача сув ишлаб чиқарувчи ёки оқова сувларни қабул қилувчи) турдаги обьект.

**ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларини эксплуатация қилувчи ташкилотлар (эксплуатация ташкилотлари)** – марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминлаш ва канализация хизматлари кўрсатиш иншоотларини эксплуатация қилувчи юридик шахслар;

**технологик аудит** – марказлаштирилган ичимлик сув таъминоти ва канализация иншоотларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун олиб бориладиган маҳсус тадқиқот;

**технологик аудит обьектлари** – ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими обьектларида ишлаб чиқариш жараёнида бевосита фойдаланиладиган иншоотлар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар;

**технологик аудит ўтказувчи** – Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг худудий инспекциялари;

**технологик аудит ўтказиладиган объектларнинг инвентаризация паспорти** – технологик аудит ўтказиш учун технологик аудит объектлари тўғрисида зарур маълумотлар акс эттирилган ҳолда расмийлаштирилган хужжат;

**технологик аудит паспорти** – технологик аудитни ўтказувчи томонидан технологик аудит якунига кўра расмийлаштириладиган хужжат;

**технологик аудит якунлари бўйича ҳисобот** – технологик аудит якунлари бўйича технологик аудит объектлари тўғрисидаги умумий маълумотлар хамда уларда амалга оширилиши талаб этиладиган тадбирлар бўйича хulosаларни қамраб олган ҳолда расмийлаштирилган хужжат.

4. Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларини технологик аудитдан ўтказиш ушбу Низомга 1-иловага мувофик схема бўйича амалга оширилади.

5. Фойдаланишга топширилганига камида 10 йил бўлган ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларида қуидаги даврийликда мажбурий тарзда бепул технологик аудит ўтказилади:

йирик турдаги ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларида ҳар 3 йилда бир марта;

кичик турдаги ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларида ҳар 5 йилда бир марта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топширикларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топширикларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топширикларига асосан хамда эксплуатация ташкилотларининг ташабbusи билан навбатдан ташкари технологик аудит ўтказилиши мумкин.

6. Ушбу Низом талабларидан келиб чишиб давлат тасарруфидаги эксплуатация ташкилотларининг ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларида технологик аудит ўтказини мажбурий тарзда амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган эксплуатация ташкилотларининг ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларида технологик аудит, факат ушбу тадбиркорлик субъектларнинг ташабbusи билан ихтиёрий равишда технологик аудит ўтказувчи билан келишган ҳолда ўтказилади.

7. Эксплуатация ташкилотларининг сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартиба солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириши, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилашда белгиланган муддатларда технологик аудитдан ўтказилмаган иншоотларнинг фойдаланиш ва саклаш харажатлари ҳисобга олинмайди.

## **2-боб. Технологик аудит ўтказишни ташкил этиш**

8. Технологик аудит ўтказишнинг бошланиш санаси технологик аудит ўтказувчи ва эксплуатация ташкилотларининг келишувларига асосан белгиланади.

9. Эксплуатация ташкилотлари томонидан технологик аудит ўтказиладиган объектлар бўйича ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ инвентаризация паспорти технологик аудит ўтказилишидан 20 кун аввал тайёрланади ва тасдикланади.

10. Ушбу Низомнинг 8-бандига асосан тасдикланган инвентаризация паспорти технологик аудит ўтказишнинг бошланиш санасидан 10 кун аввал технологик аудитдан ўтказувчига тақдим этилиши шарт.

## **3-боб. Технологик аудит ўтказиш тартиби**

11. Технологик аудит куйидаги усулларда ўтказилади:

а) технологик аудит объектлари бўйича ушбу Низомга 2-иловадаги шаклга мувофиқ инвентаризация паспортига асосан технологик аудит объектларининг мавжудлигини кўздан кечириш;

б) технологик аудит объектларининг сертификатлари, ишлатиш қўлланмалари мавжудлиги ва кадастр хужжатларига тўғри келиши ҳамда стандарт талабларига жавоб беришини ўрганиш;

в) технологик аудит объектлари фойдаланиш қўлланмаларига асосан фойдаланилаётганлигини ҳамда фойдаланишда хавфсизлик қоидалари ўрнатилганлигини ва уларга амал қилинишини ўрганиш;

г) ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектлари самарадорлигини аниқлаш;

д) технологик аудит объектларида (зарур ҳолларда) хисоблагичлар ўрнатилганлигини ўрганиш;

е) технологик аудит объектларида реконструкция ва модернизация қилиш талаб қилиниши (талаб қилинмаслиги) ва бу турдаги ишларни амалга оширишни иқтисодий томондан самарасини аниқлаш.

12. Технологик аудит ўтказувчи ва эксплуатация ташкилотининг масъул ходими, шунингдек, заруратга кўра, аудит ўтказиш учун жалб қилинган мутахассислар иштирокида технологик аудит ўтказилади ва аудит ўтказиш жараёнида ушбу Низомга 3-иловадаги шаклга кўра технологик аудит паспорти тўлдирилиб, технологик аудит якунида ушбу Низомга 4-иловага кўра технологик аудит ҳисоботи расмийлаштирилади.

13. Ўтказилган технологик аудит натижалари бўйича ҳисоботда:

ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларининг умумий лойиҳавий куввати;

ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларининг аудитдан ўтган вактдаги амалдаги қуввати;

ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларининг самарадорлигининг аниқ кўрсаткичлари;

ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларининг самарадорлигини ошириш бўйича хulosалар;

технологик аудит объектларида реконструкция ва модернизация килиш талаб қилиниши (талаб қилинмаслиги) ва бу турдаги ишларни амалга оширишнинг иқтисодий томондан самараси кўрсатилган бўлиши шарт.

14. Технологик аудит ўтказилган ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларининг самарадорлигини ошириш бўйича тақдим этиладиган хulosаларда:

тезкор муддатли – амалга оширилиши натижасида иншоотнинг самарадорлиги (амалдаги қувватга нисбатан) энг камидаги 20 фоизга ортиши мумкин бўлган;

узок муддатли – амалга оширилиши натижасида иншоотнинг самарадорлиги 90-100 фоизга (ложиҳавий қувватга тенг ёки 10 фоизга паст) етиши мумкин бўлган;

доимий – технологик аудит якунига етганидан сўнг доимий равишда амалга ошириб борилиши натижасида иншоот самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган омилларнинг олдини олиши мумкин бўлган тадбирлар кўрсатилади.

#### **4-боб. Технологик аудит натижаларини умумлаштириш ва тақдим қилиш тартиби**

15. Технологик аудитдан ўтказувчи томонидан ўтказилган технологик аудит натижалари бўйича барча хужжатлар (иншоотларнинг инвентаризация паспортлари, технологик аудит паспортлари, хисоботлар ва бошқа тегишли хужжатлар) технологик аудит натижалари бўйича хисобот расмийлаштирилгандан сўнг 10 кун муддатда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси марказий аппаратига (кейинги ўринлардан Давсувинспекция деб аталади) ва эксплуатация ташкилотларига тақдим этилади.

16. Давсувинспекция томонидан технологик аудит натижалари бўйича хужжатлар қабул килинган кундан бошлаб 10 кун муддатда ўрганиб чиқилиб, технологик аудит объектлари самарадорлигини ошириш бўйича хulosалар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига (кейинги ўринларда вазирлик деб аталади) тақдим этилади.

17. Ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ тақдим этилган таклифлар асосида улар тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун муддатда вазирлик томонидан аниқ муддатлари белгиланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижросини назорат қилиш учун Давсувинспекцияга киритилади.

## **5-боб. Технологик аудит ўтказувчининг ҳуқук ва мажбуриятлари**

18. Технологик аудит ўтказувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

экспулатация ташкилотларидан технологик аудит ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

экспулатация ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар пухта ва сифатли тайёрланишини талаб қилиш;

экспулатация ташкилотларини хабардор қилган ҳолда технологик аудит ўтказиш саналарига ўзгартириш киритиш;

технологик аудит ўтказиш учун зарур бўлган мутахассисларни жалб этиш.

Технологик аудит ўтказувчи қонун ҳужжатларига мувофик бошка ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Технологик аудит ўтказувчи қўйидагиларга мажбур:

технологик аудитни ушбу Низом ва бошка қонун ҳужжатлари талабларига амал қилган ҳолда ўтказиш;

ўтказилган технологик аудит натижалари Давсувиинспекция томонидан сифатсиз деб топилган тақдирда қайта технологик аудитдан ўтказиш;

экспулатация ташкилотларининг талабига асосан уларнинг технологик аудитдан ўтказилган обьектлари бўйича берилган хulosаларнинг асосланишини ва бу борадаги қонун ҳужжатлари талаблари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;

технологик аудит ўтказиш давомида маълум бўлган ахборотнинг маҳфийлигига риоя этиш.

Технологик аудит ўтказувчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар юкланиши мумкин.

20. Ушбу Низомнинг 15-бандига асосан Давсувиинспекцияга тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил килишнинг имкони йўқлиги, улардаги ноаникликлар ва уларни расмийлаштиришга кўйилган талаблар бажарилмаганлиги ҳамда технологик аудит натижасида берилган хulosалар нотўғри ва амалиётга тўғри келмаслиги ўтказилган технологик аудитни сифатсиз деб топишга асос бўлади.

## **6-боб. Якунловчи қоидалар**

21. Технологик аудит сифатли ва ушбу Низомга амал қилган ҳолда, белгиланган муддатларда ўтказилишига, шунингдек, аудит якунларига асосан ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими обьектлари самарадорлигини ошириш бўйича берилган хulosаларнинг тўғри расмийлаштирилишига ҳамда уларнинг натижадорлигига технологик аудит ўтказувчилар қонун ҳужжатларига мувофик жавобгар хисобланади.

22. Технологик аудит ўтказиш жараёнида технологик аудит объектларига етказилған заарлар ва ушбу жараёнда маълум бўлган махфий маълумотларни ошкор килиш натижасида эксплуатация ташкилотларига етказилған заар учун технологик аудит ўтказувчи конун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Ичимлик сув таъминоти ва канализация  
тизими объектларини технологик аудитдан  
ўтказиш тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларини  
технологик аудитдан ўтказиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ичимлик сув таъминоти ва канализация иншоотларини экспулатация килувчи ташкилотлар (кейинги ўринларда экспулатация ташкилотлари деб аталади)	Технологик аудит объектлари бўйича инвентаризация паспортларини тайёрлаш ва тасдиқлаш	Технологик аудит ўтказилишидан 20 кун олдин
2-босқич	Экспулатация ташкилотлари	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат килиш давлат инспекциясининг худудий инспекцияларига (кейинги ўринларда худудий инспекциялар деб аталади) зарур хужжатларни тақдим этиш	Технологик аудит ўтказилишидан 10 кун олдин
3-босқич	Худудий инспекциялар	Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларида технологик аудит ўтказиш	10 кунгача
4-босқич	Худудий инспекциялар	Ўтказилган технологик аудит натижалари бўйича барча хужжатларни расмийлаштириш ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат килиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Давсувиинспекция деб аталади) ва экспулатация ташкилотларига тақдим этиш	10 кун

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Бажарыш муддатлари
5-босқич	Давсувинспекция	Ўтказилган технологик аудит объектлари самарадорлигини ошириш бўйича хulosаларни Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига тақдим этиш	10 кун
6-босқич	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Технологик аудит объектлари самарадорлигини ошириш бўйича тақдим этилган хulosалар асосида аниқ муддатлари белгиланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва Давсувинспекцияга киритиш	10 кун
7-босқич	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Технологик объектлар самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бажарилишини таъминлаш	доимий

Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими  
объектларини технологик аудитдан ўтказиш  
тұгристидаги низомга 2-илова

## Технологик аудит ўтказиладиган объектларниң инвентаризация ПАСПОРТИ

Худуд (вилоят, шаҳар) номи \_\_\_\_\_

Туман (шаҳар) номи \_\_\_\_\_

Объект номи \_\_\_\_\_

Объект манзили \_\_\_\_\_

Объектдан фойдаланувчи  
ташкилот номи \_\_\_\_\_

T/p	Технологик аудит объектлари номи	Инвентар рақами	Тури	Маркаси	Серияси	Ишга туширилған (фойдаланишга қабул қилинған) йили	Фойдаланиш мақсади	Холати
1	2	3	4	5	6	7	8	9
<b>Ер ости құдуқлари</b>								
<b>Ер усти сув олиш нұқталари (гидропостлар)</b>								
<b>Тиндергічлар</b>								
<b>Резурвуарлар</b>								
<b>Фильтрлар</b>								
<b>Лаборатория</b>								
<b>Үлчов воситалари</b>								
<b>Кувурлар (нишоот ички кувурлари)</b>								
<b>Электр жиһозлари (трансформатор ва бошқалар)</b>								
<b>Насослар</b>								
<b>Компрессорлар</b>								
<b>Сув инораси</b>								
<b>Бошқалар</b>								

рахбари

Объектдан фойдалануучи тағызымыт  
номи

(шеше)

(Ф.И.О.)

бөш бухгалтери

Объектдан фойдалануучи тағызымыт  
номи

(шеше)

(Ф.И.О.)

Сана

## Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларини технологик аудитдан ўтказиш тўғрисидаги низомга З-илова

## Технологик аудит паспорти

## Худуд (вилоят, шаҳар) номи

## Түман (шахар) номи

### Объект номи

## Объект манзили

## Объектдан фойдаланувчи ташкилот номи

Т/р	Технологик аудит объектлари номи	Инвентар рақами	Фойдаланиш мақсади	Техник хужжатларниң мавжудлиги (паспорт, спецификация, фойдаланиш йўрикномаси)	Куввати		ФИК (%)	Холати	Объект бўйича қискача тақлиф
					Лойиҳавий	Амалдаги			
<b>Кувурлар (иншоот ички қувурлари)</b>									
<b>Электр жиҳозлари (трансформатор ва бошқалар)</b>									
<b>Насослар</b>									
<b>Компресорлар</b>									
<b>Сув миноралари</b>									
<b>Бошқалар</b>									
<b>Инвентаризация паспортида кўрасатилган амалда мавжуд бўлмаган аудит объектлари</b>									

раҳбари

Объектдан фойдалануучи ташкилот номи

(имзо)

(Ф.И.О.)

бош бухгалтери

Объектдан фойдалануучи ташкилот номи

(имзо)

(Ф.И.О.)

раҳбари

Иншоот номи

(имзо)

(Ф.И.О.)

Технологик аудит ўтиказувчи мутахассисининг лавозими

(имзо)

(Ф.И.О.)

Технологик аудит ўтиказувчи мутахассисининг лавозими

(имзо)

(Ф.И.О.)

Сана

Ичимлик сув таъминоти ва канализация  
тизими объектларини технологик аудитдан  
ўтказиш тўғрисидаги низомга  
4-илова

(технологик аудит ўтказилган обьект номи ва жойлашган ҳудуд)

Ўтказилган технологик аудит якунлари бўйича  
**ҲИСОБОТ**

(ҳудуд номи)

ЙИЛ “ ”

**I. Технологик аудит ўтказишга асос**

**II. Объект бўйича умумий маълумот**

Манзил:

Телефон: \_\_\_\_\_, e-mail: \_\_\_\_\_, ишга туширилган сана \_\_\_\_ йил “ ”

Юқори турувчи ёки бошқарувчи ташкилот:

Фойдаланиш мақсади:

**III. Ўрганилган аудит обьектлари**

Объектдаги иншоотлар, техника, асбоб ва ускуналарнинг барчаси  
инвентаризация паспорти асосида ўрганиб чиқилди.

1. Ер ости қудуклари:

(аудит кўригидан ўтказган ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, ер ости қудуклари сони ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжатлар  
билин асослаган ҳолда)

2. Ер усти сув олиш нуқталари (гидропостлар):

(аудит кўригидан ўтказган ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, сув олиш нуқталари сони ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжатлар  
билин асослаган ҳолда)

3. Тиндиригичлар:

(аудит кўригидан ўтказган ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, тиндиригичлар сони ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжатлар  
билин асослаган ҳолда)

4. Фильтрлар:

(аудит кўригидан ўтказган ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, фильтрлар сони ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжатлар  
билин асослаган ҳолда)

## 5. Лаборатория:

(аудит күргігідан ўтқазған ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, сони ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжаттар билан асослаган ҳолда)

## 6. Үлчов воситалари:

(аудит күргігідан ўтқазған ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, үлчов воситалар сони, түри ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжаттар билан асослаган ҳолда)

## 7. Қувурлар (иншоот ички):

(аудит күргігідан ўтқазған ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, күрсаткышлари бүйінча қувурлар узунлиги ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжаттар билан асослаган ҳолда)

## 8. Электр жиһозлари:

(аудит күргігідан ўтқазған ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, электр жиһозлари сони, түри ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжаттар билан асослаган ҳолда)

## 9. Насослар:

(аудит күргігідан ўтқазған ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, күрсаткышлари бүйінча насослар сони, түри, ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжаттар билан асослаган ҳолда)

## 10. Компрессорлар:

(аудит күргігідан ўтқазған ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, компрессорлар сони, түри ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжаттар билан асослаган ҳолда)

## 11. Сув миноралари:

(аудит күргігідан ўтқазған ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, күрсаткышлари бүйінча миноралар сони ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжаттар билан асослаган ҳолда)

## 12. Бошқалар:

(аудит күргігідан ўтқазған ходим Ф.И.О., иш жойи ва лавозими, сони ҳамда ҳолати, норматив-хуқуқий ҳужжаттар билан асослаган ҳолда)

## IV. Асосий мақсади бүйінча қуввати

1. Лойихавий қуввати (барча амалға оширилған реконструкцияларни инобатта олған ҳолда) йилига \_\_\_\_\_ минг м<sup>3</sup>.

2. 20 \_\_\_\_\_ йилда амалда манбадан ичимлик сув ишлаб чиқариш учун олинган сув міндері \_\_\_\_\_ минг м<sup>3</sup>, ишлаб чиқарылған сув міндері \_\_\_\_\_ минг м<sup>3</sup> ташкил этган.

## V. Технологик аудит натижасыда мутахассислар хulosалари

1. Иншоот бүйінча аник күрсаткышлар билан батафсил хulosса:

---

---

---

2. Ер ости қудуклари бўйича аниқ кўрсаткичлар билан батафсил хulosса:

---

---

---

3. Ичимлик сув белгиланган сифатда ишлаб чиқарилиши юзасидан лаборатория ҳолати бўйича аниқ кўрсаткичлар билан батафсил хulosса:

---

---

---

4. Лаборатория, насослар, ўлчов воситалари, жиҳозлар, фильтрлар, тиндиргичлар, компрессорларнинг стандартларга мослиги бўйича аниқ кўрсаткичлар билан батафсил хulosса:

---

---

---

5. Фильтрлар, тиндиргичлар, миноралар, ишлаб чиқаришда иштирок этувчи бошқа иншоотлар, уларнинг хавфсизлиги, қурилиш меъёрларига амал қилинганлиги бўйича аниқ кўрсаткичлар билан батафсил хulosса:

---

---

---

6. Электр жиҳозлари ва ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этаётган электр тармоқлари, уларнинг ўлчаш воситалари, аниқ кўрсаткичлар билан батафсил хulosса:

---

---

---

## **VI. Иншоот самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар**

1. Тезкор муддатли:

---

---

---

2. Узок муддатли:

---

---

---

3. Доимий:

---

---

---

#### 4. Технологик аудит объектларда:

Реконструкция ва модернизация қилиш талаб қилинадиган объектлар

---

---

---

---

---

## Реконструкция ва модернизация қилиш талаб қилинмайдиган объектлар

---

---

---

---

## Реконструкция ва модернизация килиниши иқтисодий томондан самарасиз бўлган объектлар

---

---

---

---

---

#### **Технологик аудитдан ўтказувчилар:**

(имзо) Ф.И.О.

(имзо) Ф.И.О.

Gava.

## Танишдим:

## Сув тъминоти ва канализация иншоотларини эксплуатация қилувчи ташкилот раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.

